

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 12 АВГУСТ, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (11.216)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилояти ҳокимлигида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

● Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, ЮНИСЕФ халқроқ ташкилоти ҳамкорлигида болаларни она сутти билан озиклантиришни тарғиби этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳафталиги ўтказилди.

● Жиззах санъат коллежида шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ва «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасида ёшларни иш билан таъминлашга кўпроқ эътибор қаратилди. Жумладан, тадбир давомида касб-хунар коллежларини битириб чиққан, Куролли Қучлар сафида хизмат қилиб қайтган, жазони ижро этиш мусассасаларидан озод этилган 256 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Урганч нефть ва газ санъати касб-хунар коллежи ёшлар учун ўз эшикларини кенг очди.

● Навоий шаҳрида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекистон аёллари ва болалари — гивандликка қарши» шиори остида ўтказилган «Соғлом оила» спорт мусобақалари яқунланди.

● Бухоро туманида жойлашган «Ҳазрат Нақшбанд» фермер ҳўжалигининг ишлаб чиқариш цехи ушбу мавсумда тўла қувватда ишлайди. Мазкур цехда бир йилда 50 мингга қоракўл териларини тайёрлаш имконияти мавжуд. Қоракўлчилик билан шугулланувчи маҳаллий фермерлар учун «Ҳазрат Нақшбанд» тайёр махсулотни сотишда ишончли ҳамкор бўлмоқда.

● Темир йўл тармоғи коммуникация хизматларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида оптик-толали кабелни ётқизиш бўйича ишлар давом этмоқда.

● Бухородаги «Видергебург» немис маданият марказининг ташаббуси билан «Киндерленд» номидаги дам олиш майдончаси иш бошлади. Бу ерда етти ёшдан ўн ёшгача бўлган мактаб болалари учун немис ва ўзбек тилларида кўнгилочар байрам дастурлари намойиш этилмоқда.

● «Жиззах пластмасса» ОАЖда жаҳон миқёсида тобора кенг қўлланилаётган пластмасса қувурлари ишлаб чиқариш тури 8 тага етди. Бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида 4 миллион сўмликка яқин махсулот тайёрланди.

ЖАҲОНДА

● 2009 йилги бюджет масаласини муҳокама этиш Эстония парламентида катта келишмовчиликка сабаб бўлди. Парламент мамлакат иқтисодийдаги турғунлик сабабли 2009 йилги давлат бюджетини кутилаётган ҳажмдан яна 10 миллиард кронга камайтирди. Эстонияда иш ўринлари қисқариши, нархнаво кўтарилиши ва бошқа иқтисодий муаммолар келиб чиқиши кутилмоқда.

● Европа Иттифоқи тамакидан воз кечишни режалаштирмоқда. 2025 йилга келиб, ЕИ тамаки махсулотларини сотишни тўхтатмоқчи. Европарламент депутатлари бу чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблашмоқда. Режага биноан 15 йилдан кейин Европа Иттифоқи ҳудудида тамаки ишлаб чиқарилмайдиган ва сотилмайдиган.

● Ҳиндистоннинг жанубий ҳудудлари муссон ёмғири оқибатида юзага келаётган сув тошқинларидан жиддий жабрланмоқда. Маълумотларга кўра, табиий офатдан Андра-Прадеш штати энг кўп талафот кўрди. Штатда юзга яқин одам сув тошқинидан ҳалок бўлган, минглаб аҳоли бошпанасиз қолган.

● Хорватиянинг Сплит шаҳри аэропортида иккита йўловчи самолёт тўқнашиб кетди. «Ту-204» русумидаги Россия авиакомпаниясига қарашли самолёт парвозга қўлланаётган вақтда Италиянинг «Airbus A320» самолёти қаноти урилиб кетди. Натижада «Airbus A320» самолёти жиддий зарар кўрди. Шундай бўлсада, ҳар иккала самолёт бортидаги 273 нафар йўловчидан ҳеч бири жароҳатланмаган.

● Ироқда сўнги 20 йил ичида илк бор нефть захираларини қидириб топиш ишлари бошланди. Мамлакат нефть вазири Хусайн ал-Шахрестони шу ҳақда расмий маълумот берди. Хозирги маълумотларга кўра, Ироқ ҳудуди остида 115 миллиард баррел нефть мавжуд, ammo ироқлик мутахассислар нефть захираси 350 миллиард баррелдан ҳам кўпроқ деган тахминлар. Агар бу қидирув ишларида аниқланса, Ироқ дунёда нефтга энг бой давлатга айланади.

● NASA раҳбарияти хозирги шаттлар ўрнига 2013 йилда «Орион» номи янги кўп марта парвозга мўлжалланган космик кемаларни жорий этишни маълумлади.

● Австралидаги Сидней миллий университети олимларининг сўзларига кўра, интернет ва мобил алоқадан меъридан ортик фойдаланиш асаб тизимининг бузилишига ҳамда уйқусизликка олиб келади. Тадқиқотлар натижасида мамлакатда 1 миллиондан ортик киши компьютер ўйинларини узоқ вақт давомида ўйнагани учун уйқусизлик касалига дучор бўлгани аниқланди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХИТӨЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 8-9 АВГУСТ КУНЛАРИ ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛИБ, XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимиз раҳбари 9 август кун Бундхитой халқ вакиллари кенгаши саройида ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Ислам Каримов Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама алоқаларининг бугунги ҳолатини, ҳамкорлик суръатини юксак баҳолаши ва кадрлаштириш, мамлакатларимиз ШХТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашни кайд этди. Муносабатларимиз 2005 йили Пекинда имзоланган стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ислам Каримовнинг ўзининг дўсти деб атаган экан, давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон сиёсий ва гуманитар соҳаларда Хитойни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдирди. Хусусан, жорий йил май ойида Сичуань вилоятида юз берган зилзиладан кейин мамлакатимиз кўрсатган инсонпарварлик ёрдамини юксак кадрлаштириш кайд этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик аниқлаштириш бўлиб, ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги ҳамкорлик хозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашли, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари XXIX ёзги Олимпиададанинг очилиш маросимига таклиф этилгани, Пекиндаги учрашувда ХХР Раиси бу

дўстликни яна бир бор алоҳида таъкидлагани ҳам шундан далolat беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар йўлга қўйилган. Икки давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб турадилар.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қўлайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 750 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил санъат, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш юритади.

Юртимизда Хитой ҳукуматининг фойсиз (6 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксимбанки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфраструктурани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа кўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ доллари тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг энг имкониятларини юзага чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди. 2007 йил январда Шанхайда ўтказилган Ўзбекистон савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдиротида ҳам қарийб шунча хитойлик бизнес вакили катнашди.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Янгиликлар, воқеалар

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙМИЗГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ 23 ФОИЗГА ОРТИБ, 4,3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ЗИЁД МИҚДОРДАГИ МАБЛАҒНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ — БУ ЎТган ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ЭРИШИЛГАН ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ ЭКАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТДИЛАР.

Пойтахтимизда 2006 йилдан қурилиш-тиклаш ишларини бошлаган «ARCTECH Technology» хорижий корхонаси масъулият чекланган жамияти Ўзбекистонда ўз ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритишни кўзда тутиб, Туркиянинг «ARCTECH» компанияси кафилигида махсулот тайёрлаш фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Бунинг учун 21 миллион долларлик хорижий дастоҳ ва ускуналар келтирилиб, цехлар ўрнатилди. Мазкур компаниянинг Ўзбекистонни танлашига асосий сабаб, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган етарли шарт-шароитлар ҳамда маҳаллий хом ашёнинг мавжудлигидир.

Корхонада пайвандлаш электродлари, симлари ҳамда пайвандлаш аппаратлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, айна пайтда пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш цехида махсулот тайёрлаш бошлаб юборилди ва йилга 16 минг тонна пайвандлаш электродларини буюртмачиларга етказиб бериш кўзда тутилган.

— Хозирда корхонамизда 27 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхона директорининг ўринбасари Камалиддин Илёсов. — Йил охиригача уларнинг сафи 120 нафарга етади. Мустақиллик байрами арафасида лойиҳамизнинг иккинчи босқичи амалга ошириб, пайвандлаш

симлари цехини ишга туширадим. Йил сўнгигача эса пайвандлаш аппаратлари ишлаб чиқариш цехи махсулот бера бошлайди. Махсулотларимизни нафақат ички бозорда сотамиз, балки қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия давлатларига шартнома асосида экспорт қиламиз. Шунингдек, таъкидлаш керакки, корхонамиз хозирда Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Корхонада тайёрланаётган электродлар авиасозлик, машинасозлик санъатида, темир йўлларида, бунёдкорлик ишларида кенг қўлланилади. Махсулот сертификатланган бўлиб, харидор талабига тўла жавоб беради. Барча тайёрланаётган товарлар Туркиянинг ТСЕ стандарти асосида сертификатланган ҳамда компания ISO 9001 сертификатига ҳам эгадир. Махсулот сифати хар бир иш жараёнида назорат қилинади.

Корхонада кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, касб-хунар коллежи битирувчилари 3 ойлик ўқув курсларида малакаларини ошириб, махсус сертификатга эга бўлади ва корхона цехларида иш бошлайди. Шунингдек, тадбиркорлар бозорни ўрганиш асосида 2009 йилда иккинчи лойиҳани ҳам муваффақиятли амалга оширишни кўзда тутишмоқда. Ушбу лойиҳага асосан 2009 йилнинг 1-чорагида 1,5 сантиметрдан 200 сантиметрга

ча бўлган миҳ ҳамда сим сеткалар ишлаб чиқариш бошлаб юборилди ва бунинг натижасида яна ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Ишчи-хизматчиларнинг умумий сони 300 нафарга етказилди.

Корхонада меҳнат аҳлининг ишлаш ва дам олиш шароитларига алоҳида ёндашилди. Ишчи-хизматчилар бепул иш кийимлари, 3 маҳал овқат, ишга бориб-келиш учун транспорт воситаси билан таъминланган. Шунингдек, талаблар даражасидаги спорт мажмуасида улар спортнинг сузиш, стол тенниси, мини-футбол, баскетбол турлари билан шугулланиб, саломатликларини мустаҳкамлаб борадилар. Келгусида эса улар республикамизда яна бир йиллик завод бунёд этиш, корхонанинг филиалларини ташкил қилиш учун янги лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Унга кўра мамлакатимизда яна 70 миллион долларлик инвестиция киритилди. Энг муҳими эса корхона махсулотлари бугунги кунда сифати ва ишончилиги билан буюртмачиларга манзур бўлаётган. Улар, бунинг учун юксак умумий Туркия техника ва технологиялари қувватидан, малакали кадрлар маҳоратидан самарали фойдаланишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятиндан лавҳалар.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ

РИШОД СОБИРОВ: ҒАЛАБАМНИ ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН



Р.Собиров 1986 йили Бухоро вилоятининг Жондор тумани Бўрбоғи қишлоғида туғилган. 11 ёшдан дзюдо билан шугулланади. Ҳуқуқчилик йилларида унга Рустам Тўраев устозлик қилган бўлса, халқаро мусобақаларга тажрибали мураббийлар Фуқрат Солиев ва Борис Григорьев тайёрлаб келмоқда.

Р.Собиров халқаро майдондаги дастлабки муваффақиятини 2006 йили кўлга киритган. Ушунда у Хитой Тайпейида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, катта салоҳиятга эга эканини намойиш қилган эди. Орадан бир йил

ўтиб, катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринга кўтарилди.

2008 йил Ришод Собиров учун хар томонлама омадли келди. У мамлакат чемпионатида голиб чиқиб, терма жамоага қабул қилинди ва олимпиада саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди. Бухоро давлат университетининг жисмоний маданият факультетини муваффақиятли тамомлади.

— Мен XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ушбу муваффақиятимни истиқлолимизнинг ўн етти йиллик байрамига бағишлайман, — деди Р.Собиров. — Чунки биз, Ўзбекистон ёшлари халқаро Олимпиадаларда фаол катнашиш имкониятига Мустақиллик туфайли

Қасқа сатрларда

● **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Маънавият гулшани» давраси доирасида «Аждодлар мероси—олтин мерос» туркумида ўтказилган «Мақом—Ўзбек санъатининг дурдонаси» мавзудаги адабий-муסיқий анжуман Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.
● **БУГУН** Миробод

туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйи бичиш-тикли курси катнашчилари иштирокида «Ониқ дарс» тадбири уюштирилди.
● **ЎЗБЕКИСТОН** электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренингда ана шундай кўргазмани мунтазам ташкил этиш учун алоҳида кўргазмалар зали зарур эканлиги таъкид-

лаб ўтилди.
● **КЕЧА** Ҳамза туманида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари иштирокида уюштирилган тадбир «Маҳалла—жамият таянчи» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть қимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иктисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда таъкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир.

Сармовий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекинда ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорига Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишни таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳўжатнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик доирасида мунтазам равишда фотокурғазмалар, маданият кўнлари каби маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Таъабалар алмашуви, мутахассислар малака ошириши йўлга қўйилган. 2005 йили Тошкентда Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти, 2007 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой тили маркази очилди. 2005 йилнинг сентябридан Пекиндаги Миллатлар маркази университетиде ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда тузилган «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармовий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасида атрафлича фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу кун Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Дяоюйтэй» қароргоҳида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, бугунги учрашув ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди.

Президентларнинг суҳбатиде Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар

стратегик шериклик тамойилларига асосланиши, бугунги учрашув икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилиши муштараклигидан далолат эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон-Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг яқол тасдиғи сифатида олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари жорий йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, бир қатор музокаралар ўтказди. Ушбу сафар асосида Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни анъанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдор эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу самимият неғизиде сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги мўжассам.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўн жиҳатдан ҳамфикрлиги халқаро сиёсат майдонидеги ҳамкорликни ривожлантириш учун замин бўлмоқда.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидир. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбўшаш ҳажми 850 миллион АҚШ долларида ошди. Ўзбекистонда Корея Республикаси сармовия иштирокида тузилган 313 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, қимё, озиқ-овқат ва энгил саноат, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиши каби соҳаларда иш юритаётди. Кореянинг 73 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Мутахассислар жорий йилда ўзаро товар айирбўшаш ҳажми бир миллиард доллар этишини таъкидламоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилиб, ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бораётгани, сармовия оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Сеулдаги сўнгги музокараларда Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг Корея сармовия киритишига келишиб олинган.

Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазирининг ташрифи чоғида Тошкентда ўтказилган бизнес-форумда эса нефть-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш соҳаларидаги алоқаларни янада ри-

вожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. 2008-2011 йиллар давомида Ўзбекистонда 120 миллион АҚШ доллари миқдорига узоқ мuddатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ҳадли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илм-фанни ривожлантириш муассасалари, «Асакабан» билан Корея Эқсимбанки ўртасида ҳамкорликка доир ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги қонларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий қилишга оид қатор ҳўжатлар имзоланди. «UzKorGasChemical» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Ушбу турдаги Сурғил қониде геология-разведка ишларини олиб бориш, қонларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга иқтисослашган ушбу қўшма корхона Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойидаги давлат ташрифи чоғида «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») билан «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган ағлашув меморандумига мувофиқ таъкил этилди. Мазкур лойиҳанин умуий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги юқори технологиялар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг урта ноёб ва айни пайтда барқарор, юқори даромад келтирадиган соҳаси саналган автомобилсозлик саноатини илға туширишда корейлик шериклар билан алоқалар мўҳим ўрин тутуди. Айни пайтда саноатнинг бошқа соҳаларида юқори технологияли тармоқлар, юксак даражадаги қўшмича қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида ўзаро ҳамкорликка очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожиде «Ўзбекистон – Корея Республикаси» дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корейс таълим маркази мўҳим ўрин тутуди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари таъкил этилиб, 112 мактабда корейс тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашува Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўзаро муносабатларининг ҳозирги боғиқичига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон

билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Пекиндаги Олимпия-шаҳарчасида ушбу нуфузли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари билан учрашди.

Президентимиз спортчиларимизни бардам ва тетик руҳда кўрганидан мамнуният изхор этиб, уларнинг яшаш, машқ қилиш шароити билан қизиқди. Олимпияданинг очилиш маросимида Ўзбекистон жамоаси биринчилар қаторида стадионга кириб келгани халқимиз гурурига гурур қўшишини таъкидлади.

— Сиз зиммангизга олган вазифа нечоғли мураккаб ва оғир эканини барчамиз яқши ағлаимиз, — деди Ислом Каримов. — Шу билан бирга, сизнинг миссиянгиз гоёт шарафли эканини ҳам таъкидламоқчиман. Зеро, бундай вазифани ўз зиммасига олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз Олимпия ўйинларида катнашиш ҳўқуқини қўлга киритиш учун нечоғли машаққатли синовлардан ўтганингизни, тинимсиз машқлар орқали тана ва руҳингизни чиққитириб, маҳоратингизни юксалтиргангизни барчамиз яқши билимиз. Олимпияда сизга ўз маҳорат ва истеъдодингиз баробарида, ўзбек халқининг қўчқудратини намойиш этишингиз учун яқши имкониятдир. Сиз Ўзбекистон спортчилари ҳар қандай юксак марраларни забт этишига қодир эканини кўрсатишингизга, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги салоҳиятини муносиб намойиш қилишингизга ишонаман.

Дэюдо бўйича аёллар жамоаси мураббийси Неля Киямова, энгил атлетикачи Бобур Шокиржонов Президентимизга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юксак эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Пекинга ташрифи нийҳоясига етди. Сафар асосида бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистоннинг Хитой ва Корея Республикаси билан муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган бўлса, спортчиларимиз билан учрашув уларни Олимпияда мусобақаларида юксак зафарларни қўчишга ундайди. Шу жиҳатдан Президентимизнинг Пекин ташрифи гоёт самарали ва хайрли бўлди. Бунинг ёркин тасдиғи сифатида 9 август кўни ҳамюртимиз Ришод Собиров дэюдо бўйича 60 килограммгача бўлган вазо тоифасида франциялик рақибини доғда қолдириб, бронза медалига сазовор бўлганини айтиш мумкин.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС БУБИРИНГ,
Тошкент – Пекин – Тошкент.

ПЕКИН ОЛИМПИДАСИГА БАҒИШЛАНГАН МАРКАЛАР

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКISTON АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ «ЎЗБЕКISTON ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН ВА ПЕКИНДА ЎТАЁТГАН XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛДИ.

Мамлакатимизда спорт оламидаги ушбу оламшумул воқеа муносабати билан тўртта почта маркаси тайёрланиб, муомалага чиқарилди. Офсет усулида чоп этилган ушбу ранг-баранг маркаларда спортнинг бокс, кураш, энгил атлетика, бадий гимнастика каби турлари ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эмблемаси акс эттирилган. Бир варақда 36 дона марка бўлиб, уларнинг умуий сони 80 минг нусхани ташкил этади.

Пекин Олимпиядасида Ўзбекистондан 58 нафар вакилларимиз спортнинг 15 тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Жаҳон миқёсидаги ушбу спорт анжуманига бағишлаб махсус эсдалик маркалари ҳам чиқарилди. Югуриб бораётган спортчи, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эмблемаси тасвирланган, «Пекин-2008» XXIX ёзги Олимпия ўйинлари» эсдалик матни битилган, чиқарилган мuddати ва жойи кўрсатилган махсус эсдалик штемпели ҳам тайёрланди. Мазкур почта маркалари туркуми ва махсус эсдалик штемпел муаллифи дизайнер Турғун Каримовдир.

Почта маркалари тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, республикамиздаги бир қатор спорт федерациялари, Ўзбекистон филателистлар жамияти, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси вакили А.Бурхонов, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Чжан Вэй ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қўлга киритилган улкан ютуқлар, Ўзбекистонлик спортчиларнинг олимпия ҳаракатидаги ютуқлари ҳақида тўхталиб, спортчиларимизга Пекин Олимпиядасида зафарлар ёр бўлишини тиладилар.

Тақдимот маросими иштирокчилари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида чиқарилган почта маркалари билан танишдилар.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАЛАРДА ЯНГИ-ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА. ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ТУРЛИ КўРИК-ТАНЛОВЛАР, ФЕСТИВАЛ ВА МУСОБАҚАЛАР ЮРТ КЕЛАЖАГИ БўЛГАН ЁШЛАРНИ ЯНАДА ФАОЛ БўЛИШГА УНДАМОҚДА. «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ВА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ МИКРОКРЕДИТ БАНКИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР» ЛОЙИХАСИ ҲАМ ЁШЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.

Бир неча кун давомида ушбу лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган ёшлар учун пойтахтда ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Истеъдодли, шижоатли, замон билан ҳамнафас қадам ташловчи ёшлар ҳар бир мамлакат келажакининг мўҳим пойдевори саналади. Шу боис мустақиллик йилларида истеъдод эгаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси ҳам ана шу хайрли саъй-ҳаракатларнинг манткий доамидир. Ушбу лойиҳа ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, жойларда яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур танлов ёш ишбилармонлар учун яна бир имконият ҳисобланади, десак муболага бўлмайди. Лойиҳа асосида акциядорлик тижорат микрокредит банки республика бўйича 700 нафар ёш тадбиркорларга 40 миллиард сўмлик кредит беришни режалаштирган. Мазкур минтақавий ўқув семинарда Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятларидан келган ёшлар иштирок этаётди. Олти кунлик дарс мобайнида иштирокчилар ўз билим ва қўникмаларини ошириб, юқори малакага эга бўлишади.

Тақдим этилаётган ҳар бир бизнес режа ўзининг иқтисодий самарадорлиги ва қўлайлиги билан аҳамиятли. Семинарда иштирокчилар бизнес режа ёзиш талаблари, корхонанинг ташиқлий-ҳўқуқий шакллари билан ҳам танишишади. Шунингдек, иштирокчилар маркетинг режа тузиш ва корхона фаолияти ҳисоботини юритиш тизимини бошланғич билим ва қўникмаларини ағлашмоқда. Тренинг якунида ҳар бир иштирокчи йилгиланган олдиде ўзининг бизнес режаси тақдимотини ўтказди. Айтиб ўтиш жоизки, ҳайрат томонидан энг яқши деб топилган ишлар имтиёзли равишда молиялаштириб борилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркестон-пресс»

Қарор ва ижро

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚўМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЭНГ ЯҚШИ ЛОЙИХА-ТАДҚИКОТ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ.

Юртимиз иқтисодиётининг мўҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳўнар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш масканларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оши-

риш жараёнида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажмининг янада ортишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йил 29 апрелда қабул қилинган «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида»ги қарор соҳа ташкилотларининг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий-техника базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқиладиган

лойиҳалар сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган энг яқши лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш ташкилотлари танлови бу борада самарали фаолият кўрсатаётган лойиҳалаштириш институтилари, муассасалари, қурилиш корхоналарини аниқлаш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда мўҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йилги танловда юртимизнинг ўттиз олти лойиҳалаш-қурилиш ташкилоти иштирок этди.

Танлов натижасига кўра, Ўзбе-

кистон геология, археология-шаҳарсозлик, кадастрлик давлат қорхонаси, «Андижонқурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳрини қуриб обод қилиш ва таъмирлаш бош лойиҳалаш институти, Фарғона вилоятидаги «Қурилиш моллари комбина-ти-1» масъулияти чекланган жамияти, Сирдарё вилоятидаги «Электромонтаж» қўшма механизациялаш-корхона хусусий қорхонаси, Қорақалпоғистон Республикасининг «Берунийагроқурилиш» масъулияти чекланган жамияти биринчи ўринга лойиқ топилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКISTON ЭЛЕКТРОН ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ВА ЮНИСЕФНИНГ ЎЗБЕКISTONДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда имзолаган «Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонининг ижроси доирасида ташкил этилган мазкур семинарда ахборот агентликлари, босма оммавий ахборот воситалари, нодавлат телерадиостанциялар, электрон нашрларнинг журналистлари иштирок этмоқда.

ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф Ўзбекистонда инсон ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жумладан, ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, истиқболли борасида ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади.

Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳўқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўзининг ифодасини топган. 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳўқуқларининг қафолатлари тўғрисида»ги қонун бунинг ёркин далилидир. Ушбу ҳўжатда бола ҳўқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан қўмақлашиш, илмий, техник ва бадий ижодкорлигини ривожлантириш каби жиҳатлар ҳўқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилгани аҳамиятлидир.

Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни аҳолига тезкор, ҳолис ва ҳаққоний етказишда оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг ўрни ва аҳамияти катта. Шу боис уларнинг малака ва маҳорати, билим ва салоҳиятини доимий ошириб бориш мўҳим аҳамиятага эга. Тўрт кун давом этадиган семинар машғулотларида тингловчилар олимлар, ҳўқуқшунослар иштирокида бу йўналишда қабул қилинган халқаро ва миллий ҳўқуқий ҳўжатларнинг мазмун-моҳияти, мавзунини ёритишда ахборот манбаларидан тўғри ва самарали фойдаланишга оид маълумотлар билан атрафлича танишдилар, ўзаро фикр ва таъриба алмашадилар.

(ЎЗА)



ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА БУНДАН БИР ЙИЛ ОЛДИН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ДЕКО-ПОЛИГРАФ» КОРХОНАСИНИНГ БИРИНЧИ САВДО МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ.

СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАР ВА ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес ривож учун яратилган имкониятлар ва шарт-шароитларнинг меваси сифатида бу янги корхона бир йил давомида яқши кўрсаткичларни қўлга киритиб ўзининг биринчи харидорлар базасига эга бўлди.

Компания асосан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон бозоридеги барча турдаги корхоналар, ўқув муассасалари, ресторон ва меҳмонхоналар учун қўлидаги хизмат турлари ва маҳсулотларини тақлиф этади.

Кафе, бар, ресторон ва меҳмонхоналар каби иқтисослашган бизнес харидорларини сифатли менюлар ва шу каби бошқа маҳсулотлар, корхона ва ташкилотлар учун тақвимлар, блокнотлар, иш китоблари ва дафтарлар, манзилли юбилей папкалари, имзога ва шу каби ҳўжатлар учун папка ва бо-

шқа кенг қўламадаги иш буюмлари, ўқув муассасалари учун дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар, талабалик дафтарлари каби маҳсулотлар билан таъминлайди.

Хизматлар рўйхатига кўра реклама ва сувенир маҳсулотлари, жилдли муқовали маҳсулотлар тайёрланади ҳамда ресторон ва меҳмонхоналарга полиграфия маҳсулотлари етказиб берилади.

100 хилдан зиёд турдаги товар ва хизматлар «Декос» савдо белгиси остида шаҳримиз ва республикамизнинг дастлабки истеъмолчилари томонидан яқши баҳоланиб, уларнинг доимий мижозга айланishi қилишига сабаб бўляпти. Хусусан, бугунга қадар шаҳримиздаги Angels Food, Verona, Ali-



baba, Ak-saray, Karavan-Group ва шу каби бошқа ўнлаб харидорлар ўзларининг биринчи буюртмалари орқали тайёрланган маҳсулотлардан қониқиб хосил қилишди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

СУРАТЛАРДА: «ДЕКО-ПОЛИГРАФ» МАХСУЛОТЛАРИ

Алексей Попов олган суратлар

Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Теурият тарихи давлат музейи ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилдилар.

— Пойтахтимизга уюштирилган саёҳатдан унутилмас таассуротлар олдим, — дейди паренткил Д.Алимов. — Ватанимизнинг юраги ҳисобланмиш Тошкент шаҳрининг улғурлигидан хайратга тушдим. Мана шундай гўзал ва бетакор юртининг фарзанди эканидан гурурландим. Биз, ёшлар яқши ўқиб, изланиб, келажакда етук мутахассислар бўлиб етишимизимиз, она Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшимизимиз лозимлигини ағлаб етдик.

(ЎЗА)

Маънавият — акъ кўзгуси

ДУНЁДА ҲАЛОЛ ВА ПОК, ДИЁНАТЛИ, ИНСОФЛИ БЎЛИБ ЯШАШНИ ҲАҚИЙ ЭТИҚОД ВА ОЛИЙ МАҚСАД ДЕБ БИЛАДИГАН ИНСОНЛАР КЎП. АНА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР, УЛАРНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ БУ ЁРУФ ОЛАМДА МАЪНАВИЯТ ДОИМО БАРҚАРОР БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

Маънавият тарғибот марказларида

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Юртбошимиз ҳам «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир» дея таъриф берганлар.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида кенг қўламадаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Маънавият тарғибот марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни ҳам диққатга сазовор дейиш мумкин.

«Бебаҳо миллий қадриятларимиз», «Уқувчи ёшлар орасида турли қўриқнишдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш», «Аёлларни эъозлаб, қизларимизни авайлайлик», «Дин ва миллатлараро тотувлик — хавфсизлик ва осойишталик таъминлашининг асоси», «Ёшларнинг маънавий камолоти», «Ақдоқлар аъёнларига содиқимиз», «Ёшларни қонуналарга риоя қилиш руҳида тарбиялаш жамиятда соғлом муҳитни шакллантириш мезонидир», «Инсон маънавияти ва унинг касбга бўлган муҳаббатиди» ҳамда «Гивандлик — иллат» мавзусидаги маънавий-маданий тадбирлар, давра суҳбатлари, баҳс ва мунозараларга бой урғулар шулар жумласидандир.

Ғуларини оширишга, шу билан бирга маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади, албатта. Зеро маънавияти юқори бўлган ёшлар юрт келажакдирлар.

Ёшлар — келажакимиз

САОДАТГА ЧОРЛОВЧИ МАСКАН

БУГУНГИ КҮН ЁШЛАРИ ЭНГ БАХТИЁР ЁШЛАРИДир. УЛАР БИЛАН ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ. ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИНГ ҲАҚИЙ ИЛМ ОЛИШЛАРИ, ЎЗ УСТИЛАРИДА ИЗЛАНИШЛАРИ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЪМУНЛИ ВА МАРОКЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. БИРГИНА ШАЙХОҲОҲУР ТУМАНИДАГИ БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ МИСОЛИДА ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ ҚЎРШИ МҮМКИН.

Болалар ижодиёти уйининг янги биноси 2005 йилда Эски Жува майдонида бутунлай янгича қиёфада қад ростлади. — дейди ШайхоҲоҳур туман Болалар ижодиёти уйи директори Носир Файзиев биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда мазкур масканда бадий ижод ва амалий санъат йўналишида 38 та тўғрақ фаолият олиб бормоқда. 2373 нафар болалар эса ушбу тўғрақларнинг доимий аъзолари ҳисобланади. Хар бир боланинг иқтисоди ва кизиқликлари инobatга олинган ҳолда улар билан алоҳида шугулланиб бора-миз. Ёшлар ичиде жуа қўлаб иқтидор эгалари бор. Ижодиёт уйида болалар учун барча қўлайликлар ва шарт-шароитлар мўжасам. Ёшлар дарсдан беш вақтларида ва таътил онларида ўзларини қизиқтирган тўғрақларига фаол қатнашиб ўз соҳалари бўйича машгулотлар олиб борадилар.

вор бўлдилар. Шунингдек, жорий йилда «Марварид» гуруҳи аъзоси Сетора Эргашева «Йилнинг энг яхши модели» — деган юксак номига лойиқ деб топилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Болалар ижодиёти уйи фаолиятдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ЯҚИНДА «ШАРҚ ЗИЁКОРИ» КИТОБ ДЎКОНИНИ АЙЛАНИБ, БИРИ-БИРИДАН ЧИРОЙЛИ,РАНГИЛ МУҚОВАЛИ ТУРЛИ-ТУМАН ЯНГИ НАШР ЭТИЛГАН КИТОБЛАРНИ КЎРИБ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИМ. ДЎҚОНДАН ҲАҚИЙ ОЛГАН ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРИМИЗ ҚАЛАМИГА МАНСУБ ЯНГИ НАШРЛАР КИТОБХОНЛАР ЭТИБОРИНИ ТОРТАЙ КЎЙМАЙДИ.

Китоб жавонингизга

КЎКСИМНИ КУЙДИРГАН АЛАНГА

Китобларни бир-бир қўлга олиб варақларканман, нашр муқовасидаги чиройли, хушсурат китоб диктантини ўзига тортиди. Кейинги йилларда адабиёт майдонига ўзининг серқирра ижоди ва бир қатор китоблари билан кенг китобхонлар оммасига танилиб қолган ижодкорлардан Мухаммад Исмоил қаламига мансуб ушбу китоб «Кўксимни куйдирган аланга» деб номланган. Гафур Фулом номидаги нашриёт-масбаба ижодий уйи томонидан чоп этилган ушбу китоб асосан ёшларга мўлжалланган.

Хар вақти, кўргасен менинг сўзимни, Сўзимни ўқиб, ёд қилгасен ўзумни.

Юртимиз тарихида жаҳон ахли тан олган икки буюк сулола — темурийлар ва бобурийлар сулоласи мавжудки, улардан қолган маънавий ва моддий мерос ҳали ҳануз ўзининг янги-янги қирралари билан кўз олдимизда намоен бўлмоқда.

Маълумки, Бобур темурийлар сулоласи аъёнасини тиклаш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустахкам давлат тузиш учун курашиди ва уни Ҳиндистонда тиклади, унинг ўйли ва набиралари эса бу аъёналарни яна ҳам ривожлантирди. Айнан бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон хар соҳада гуллаб-ғашнади. Ҳиндистонни забт этган барча саркардалар орасида Бобур шахсияти мамлакатни ободонлаштириш, эл-юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекиш, юрт равнақи ва тараққиётини таъминлаш каби буюк ишларни амалга ошириш билан аҳралиб туради. Чунки ул зотта хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири қадами етган ернини обод қилишидир.

Бобурнинг хар соҳада намоен бўлган иқтидори ва билими унинг деярли барча ўғли, набир ва эвараларига мерос бўлиб ўтган. Набираси Акбарда Бобур сифатларининг барча ижобий томонлари юксакроқ даражада тақдорланган, айниқса диний бағрикенглик, адолатпарварлик, ободончилик ва илм-фан ривожини йўлида заҳмат чекиш ва бунёдкорлик хусусиятлари яна ҳам яққолроқ намоен бўлган. Хусусан, Бобурийлар сулоласига баҳо бера туриб, Ҳиндистон Бош вазираи Жаваҳарлал Неру Акбар шохга ўзига хос бир таъриф берган эди: «Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажайиб сўлтони, қучли тадбиркор кишии бўлиб, санъатни, адабиётни, гузааллик-

БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

ХАЛҚИМИЗГА АЗАЛДАН ЎЗ ОТА-БОБОЛАРИГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ, УЛАРНИНГ ҲАҚИЙ ИЛМ ОЛИШ, КАТГАГА ҲУРМАТДА, КИЧИККА ИЗЗАТДА БЎЛИШ, ОБОДОНЧИЛИК ИШЛАРИ ЙЎЛИДА БОҒ-РОҒЛАР ЯРАТИШ КАБИ ХУСУСИЯТЛАР ҚОН-ҚОНИГА СИНГИБ КЕТГАН. ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛ, ХАЛҚИМИЗ ЭРКИН ФИКРЛАШ БАҲТИГА МУЯССАР БЎЛГАНДАН БЕРИ БИЗ ЎЗ ТАРИХИМИЗ, УНИНГ САҲИФАЛАРИДА ЎРГАНИЛМАЙ ҚОЛИБ КЕТГАН БОБОЛАРИМИЗ ШАХСИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШ, УЛАР ҲАҚИДАГИ МАВҲУМ ТАСАВВУРИМИЗНИ БОЙИТИШ КАБИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛДИК. ЗЕРО, БОБУР МИРЗОНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА КЕЛАЖАК АВЛОДГА ҚАРАТА АЙТГАН ҚҲЙИДАГИ СЎЗЛАРИ БУГУНГИ КҮНДА ҚАНЧАЛИК ҲАҚҚОНИЙ ЭКАНЛИГИГА АСЛО ШУБҲА ЙЎҚДИР.

ни севарди. Набираси Акбар эса янада мафтункорроқ бўлиб, янада кўпроқ фазилатларга эга эди».

Бокдорчиликда Акбар шохнинг номини алоҳида тилга олиш мумкин. У бобурийлар сулоласи орасида Кашмир диверига қадам қўйган илк шох бўлиб, у ерда «Насим» боғини қурдирган. Бундан ташқари Равалпур шахрида «Жейлаб», Деҳлида отаси Ҳумоюннинг макбараси атрофида, Аграда ўзига атаб қурдрилган макбара атрофида ҳам боғ-роғлар барпо этган. Чинор дарактини қўлайтириш ҳам Акбар шох ташаббуси билан амалга оширилган. Шринагар шахри, Жейлаб дарёси соҳилларида ва Пахалгам йўлиларида, Бижбирдаги қатор-қатор чинорлар Акбар шох ташаббуси билан эктирилгандир. Бу аъёналарни Акбарнинг ўғли Жаҳонгир шох ҳам давом эттирган. У табиатиносиллик билан шугулланган. Парранда-қулардан ва ўсимликларга у берган таърифи нихоятда аниқлиги билан аҳралиб туради. Жаҳонгир тарихида «Энг улғу боғ яратувчи» номи билан машҳур. Ул зот ул қисмдан иборат «Шалимар» («Севги боғи»), «Ахбалла ва Веринга» боғларини, гарбий Покистонда «Ваҳ» боғи, Кашмирда «Ишрат афзо» («Севинч бахш этувчи»), Лаҳорда «Дилқушо», Аграда қайнотасига аталган боғларни ярат-

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Радиобиологияда атом радиациясини зарарли деб келинади. Лекин Гормезининг умумбиолог конунига кўра моддаларнинг юқори ва қуйи миқдори диаметрал қарама-қарши таъсир этиши рад этилган. Шу қонунга асосан маргимушнинг катта миқдордаги захарли бўлиб, оз миқдордаги рақ касалликлари, тиш оғриғи ва ёш организмни ўстиришда ижобий роль ўйнаши маълум. Шунга кўра атом радиациясининг оз миқдордаги таъсири фойдалан ҳоли эмаслиги энди рад исботланди. Радиациянинг табиий фони доимо мавжуд бўлганлигини ҳаммамиз биламиз. Россия, АҚШ ва Францияда яшовчи олимлардан бир гуруҳи радиациянинг кичик қисмидаги дозаси ҳужайра бўлинишида, тўқиманинг ривожланишида ва организмни ўсишида муҳим роль ўйнашини ўзларининг узок йиллик тажрибларида исботлашди.



Озарбойжон Фанлар академиясини ноорганик ва физика кимёси институтининг олимлари нефть ва газни қайта ишлашчи қорхоналардаги реакторларда технология жараёни тўхтатиб туриб, саноат каталлизаторларини саралашнинг тежамкор усулини тақлиф этдилар. Янгилек Оренбург газни қайта ишлашчи заводи мутахассислари билан бирга ишлаб чиқилди ва хозирдаёқ жорий этилди.

Албатта, тухумнинг фойдасини инкор этиб бўлмайди. Бирок, уни нотўғри истеъмол қилиш соғлиқка жиддий зийн келтириши мумкин. Қандай қилиб дефисизми? «Клиник дистология» журналининг ёзишча, тухум кўкрак саратонининг олдини олгани боис, аёллар учун нихоятда фойдали экан. Тўғрироғи, тухумнинг саригада мавжуд холин моддаси сут бези касаллигига қалиниш хавфини 24 фоизга камайтиради. Шунингдек, холел жигар, бугдой, гулкарма, қахва ва ёғсиз сут таркибиде ҳам бор.

Демак, бугунги кунда бобурийлар сулоласи билан боғлиқ тарихий манбалар Бобур ва унинг авлодлари ўзининг ободончилик ва юрт равнақи йўлидаги заҳматлари тўғрисида маънавий-маърифий тафаккурида катта аҳамият касб этганини кўрсатади. Зеро, сарқарда ва шоир Бобур мирзо бежиз қўлидаги мисраларни бизга ўртак сифатида қолдирмаган.

«Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар даҳр аро колди, фалондин яхшилик...» Улфатхон МУХИБОВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институту доценти

ҚУТЛАЙМИЗ! Қадрили оналгимиз Бегим ая Абдуллаева! Сизни 15 август — таваллуд айёмингиз билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда қутлаймиш. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, кексаллик гаштини суриб юришингизга тилақдошимиз. Фарзандларингиз Элмурод, Зиёдулло, Мадрохим, Сунаитилло, Отабек.

ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭКОСАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА "МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ" МАРАФОНИ ОЛДИДАН ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТЎҒРИСИДА" ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН "МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ" ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЭКОФЕСТИВАЛЛАР МАРАФОНИГА ДОИР МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Йиғилишда 16 августгача Нукус шаҳри ва барча вилоят марказлари ҳамда 22 август кун Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган экофестивалларни юқори савияда ташкил қилиш

ва оммага унинг мазмун-маънавиятини етказиб бериш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, экофестивал кун жамоат тартибини сақлаш, кўргазмалар ташкил этиш, экофестивал кон-

церт дастурини юқори савияда ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Кўргазмада 40 дан ортиқ ташкилотларнинг қатнашиши кўзда тутилган.

Экофестивалда маҳаллий корхона ва компанияларда иш-

лаб чиқарилаётган экологик тоза маҳсулотлардан ташкил топган кўргазмалар билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "ЎзЛиДеп", "Адолат", "Миллий тикланиш" партияларининг дастурий ҳужжатларида атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш борасида олиб бораётган фаолиятлари акс эттирилган стендлар, плакатлар ва баннерлар намойиш этилиши ҳам режалаштирилган. Шунингдек, "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталарининг тақдироти ҳам ташкил этилади.

Экофестивал дастурининг халқ сайлида спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари, мил-


лий таомлар, сувенирларнинг кўргазма савдолари ҳам ташкил этилади.

— Экофестивал давлат ва нодавлат ташкилотларнинг эл-юрт олдида 17 йиллик давр мобайнида қилган ишлари борасида катта ҳисобот бўлади, — деди Экосан халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов. — Унинг якуний босқичи 22 август кун соат 18:00 да Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида бўлиб ўтади. Халқ сайли шаклида ўтадиган мазкур байрамда элимиз севган кўрпак санъаткорлар иштирок этади.

Гулбахор ҚОБУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА 1991 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «БИЛЛУР» СПОРТ КЛУБИНИНГ ЎРНИ КАТТА. БОКС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ ҲАМДА ЙИРИК ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР ҒОЛИБИ, КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ БОТИР ЗОКИРОВ ТОМОНИДАН ТУЗИЛГАН УШБУ КЛУБДАН ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА КЎПЛАБ МОХИР ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚДИ.



РИНГДА — ПРОФЕССИОНАЛ БОКС УСТАЛАРИ

Профессионал бокс оламида донг таратган Олег Маскаев, Тимур Ибрагимов, Наримон Атаков, Фарход Аслановлар ҳам ўзларининг профессионал рингдаги дастлабки рейтинг жаңларини «Биллур» клуби шарофига хисоб қилган ҳолда ўтказганлар.

Кўни кеча «Туркистон» саройининг ёғи саҳнасида «Биллур» спорт клуби ҳамда Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси ташаббуси билан профессионал боксчилар ўртасида халқаро рейтинг жаңлари ҳамда Ўзбекистон чемпионилик учун титул беллашуви ташкил этилди. Ушбу турнирда Россия, Қозғистон, Беларус, Қирғизистон ва ўзбекистонлик бокс усталари иштирок этишди. 4,6 ва 10 раундлик беллашувлар 57 килограммдан 91 килограммгача бўлган вазналарда ўтказилди. Профессионал жаңг кечасида 7 та ҳужфлик рейтинг жаңларини

ўтказган бўлса, охириги баҳсда махсус камар ва Ўзбекистон чемпиони унвонини кўлга киритиш учун энг кучли боксчилар ўзаро беллашди.

Таъкидлаш жоизки, энг қисқа ва чиройли жаңг «Биллур» клуби вакили Файрат Аҳмедов ҳамда россиялик боксчи Юрий Лунёв ўртасида кечди. 91 килограммгача вазнлилар ўртасида ўтказилган ушбу жаңда тажрибали боксчимиз пайт пойлаб туриб ўзининг биринчи зарбасини шунчалик кучли ва аниқ тарзда бердики, Лунёв арқонлар устига қулаб тушиб, нокаутга учради. Зокир Ортиқов ҳам умидли ёш боксчи-

ларимиздан ҳисобланади. Унинг беларуслик Сергей Бозенков билан баҳси ҳам жуда чиройли кечди. Зокир баҳс бошидан ҳужумкор усулни танлади ва рақибини ўзини кўлга олиб қаршилик кўрсатишига ҳам ҳатто имкон қолдирмади. Натижада техник нокаут билан ҳамюртимиз россияда профессионал рингдаги ўзининг навбатдаги галабасини кўлга киритди.

91 килограммдан ортиқ энг оғир вазнда беллашувлар доимо кескин ва мурасасиз кечади. Бу гал рингда икки юртдошимиз — Икром Саидов ҳамда Аваз Рустамовлар ўзаро рўбарў келишди. Бунда аниқроқ

ҳаракат қилиб, рақибини мушкул вазиятларга солиб қўйган Аваз очколар бўйича галаба қозонди.

Ниҳоят, сўнгги саккизинчи учрашув Ўзбекистон чемпионилик учун титул баҳси бўлиб ўнда Бехзод Набиев ҳамда Мақсуд Жумаевлар баҳс юритишди. Бокс муҳлисларида Бехзоднинг рингдаги чакқон ҳаракатлари аниқ зарбалари катта таассурот қолдирди. Ўн раундлик баҳснинг еттинчи раундидан сўнг Бехзод Набиев ғолиб деб топилди, Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Ушбу бокс турнири юртимиздан кўрпак ёш, умидли боксчилар етишиб чиқаётганини кўрсатади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: профессионал бокс турниридан лавҳалар. Алексий Попов олган суратлар

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДА

ФУТБОЛ МУХЛИСАРИ ОРЗИҚИБ ҚУТГАН МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИККИНЧИ ДАВРА БАҲСЛАРИ ҲАМ БОШЛАНДИ.

Иккинчи бўлимда анча сермазмун ўйин намойиш этган Равшан Хайдаров бош мураббийлигидаги «Пахтакор» жамоаси футболчилари ҳакам томонидан қўшиб берилган сўнгги дақиқада Зайниддин Тожиевнинг аниқ зарбаси ҳисобига баҳснинг дуранг натижа билан аяқланишини таъминлашди. Шундай қилиб мурасасиз беллашувда томонлар яна 1:1 ҳисобидаги натижани қайд этишди.

Турнинг қолган учрашувлари куйидагича аяқланди: «ОТМК» — «Локомотив» — 4:3, «Қизилқум» — «Шўртан» —

0:2, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 1:1, «Насаф» — «ЎзДОНГ Жу» — 2:0, «Бухоро» — «Динамо» — 1:0, «Андижон» — «Машъал» — 2:0, «Навбахор» — «Металлург» — 3:0.

Ўтказилган 16-турдан сўнг турнир жадалида «Бунёдкор» жамоаси карвонбошлик қилмоқда. «Бунёдкор»дан икки очко ортда қолаётган «Пахтакор» иккинчи ўринда бормоқда.

Мамлакат XVII миллий чемпионатидаги 17-тур баҳслари 16, 17 август кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

13 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Чархи палак, ўз думини тишлаётган илон — бугунги кун рамзлари — булар Ой ритмининг Қуёш маромига зид туришини билдириб, ёшарш жараёнлари кучга киришидан дарак беради. Истак-хоҳишлар бугун қонун даражасида бўлади. Ўқиб, ўрганиш бўлган омадли бўлади.

Сафардан кейин уйга кириш, янги кийим кийиш, зеб-зийнатлар тақил ва ваъданнинг устидан чиқиб қайрили бўлади. Олдингизга қўйган максатларингиз аниқ ва реал бўлиши талаб этилади. Биргаллик-ҳамкорликдаги ҳар қандай ҳаракат ва ташаббуслар омад келтиради. Бугун ёлғиз қолмай, жамоа ичида бўлишингизни тақозо этадиган ишларда бўлишга ҳаракат қилинг. Шарҳномаларни имзолаш учун ҳам бугунги кун хайрли ҳисобланади.

Бугун қонни тазаловчи муолажалар тавсия этилади. Косметик ва тери касалликларига қарши муолажалар, тишларни даволатиш ва тиш қўйдириш матбуат эмас. Овқат ҳазм қилиш тизимини заифлашган бўлади. Сурункали касалликларнинг кучайиши эҳтимоли бор. Гиёҳлар билан даволаниш самарали бўлади.

Тушларингиз мансабпарастлик даъволарингиз қандай амалга ошиши ҳусусида ҳижоа қилади. Узок вақтдан бери ўзингизни қийнаб келаётган муаммо ечими ҳам тушингизда аён бўлади.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш ҳаражатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки мувоасасларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлиналарида амалга оширилади.

Фақат умумий сазй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашрийт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ҲОМИЙЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА БИНОАН ЖОНАЖОН УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ЮБИЛЕЙ МАМЛАКАТИМИЗ МИКЎСИДА КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАНИ МАЗКУР ҚУТЛУГ ДАРГОҲДА ТАЪЛИМ ОЛИБ, ҲАЁТДА МУНОСИБ ЎРНИНИ ТОПГАН БАРЧА ЗИЁЛИЛАР, ТУРЛИ КАСБ ЭҒАЛАРИ ВА ҚОЛАВЕРСА, БУГУНГИ КУНДА ШУ МЎЪТАБАР МАСКАНДА ЎГИЛ-ҚИЗЛАРИ ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН МИНГЛАБ ОТАОНАЛАР ҚАЛБИНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРИШДА.

Айни кунларда университетда жуда кенг миқёсда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Каттор ўқув бинолари, бошқа иншоотлар замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилиб, янгидан чирой очмоқда. Бу сазй-ҳаракатларнинг барчаси жонажон университетимизнинг 90 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга қаратилган.

Халқимизга азалдан, тўйга тўёна билан, деган ажойиб ўдум бор. Зеро, қадрдон ўқув масканимиз тўйини ўзи учун катта шараф деб билган кўрпак саховатпеша зиёлилар, турли касб эгалари ана шу катта тадбирга тайёргарлик ишларига ўз

улушларини қўшаётганлари таҳсинга лойиқ. Жумладан, «Ешлик» талабалар шарҳчаси ҳокимлиги, хусусий тадбиркор Ф.Т.Хайтов, Нефтгаз қолдиг, «Ўзбекгеофизика» очик акционерлик жамияти, «Ўзбек-килиг энерго комплекс» корхонаси, «Ўзбек лизинг интернешнл», «Сарбаст плюс СП» қўшма корхонаси каби саховатпеша хомийларга университет жамоаси самий миннатдорчилигини изҳор этади.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчимизки, университетда байрам таратдуди қизгин паллага кирган бир пайтда яна кўрпак саховатпеша кишилар ҳомийлик қилиш истагида мурожаат қилмоқда-

лар. ЎЗМУ маъмурияти ва жамоаси уларга олдиндан миннатдорчилик изҳор этган ҳолда хомийлик маблағлари учун қўйидаги ҳисоб рақамини маълум қилади:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 174. ОАИТБ «Ипак йўли» банки ўрикзор бўлими, х/р: 20203000900101070002 СТИР 20845944. ОКОНХ-92110. МФО банк коди-009999. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ахборот хизмати

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Яққасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур: А)комиссия номига ариза; Б)паспорт нусхаси; В)шахсий варақа (сўровнома); Г)меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; Д)нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; Е)малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма; Ж)нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазибаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазибалар аниқ кўрсатилган маълумотнома; З) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Оз-Оз ўтганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ОГАҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Эътибору иззат истар кимсага олам аро, Ё керак бисёр зар, йўқ эрса пургуфтор тил.

Ёри бадни дебдурурлар мори бад, Қочмоқ ондин келди сунат, эй кўнгул.

Гар десанг оламда расво бўлмайн, Бўлма масти жоми гафлат, эй кўнгул.

Чунки борди обрўю иззатинг, Сўнгра суд этмас надомат, эй кўнгул.

Токи ҳосид бор жаҳонда, қилмоғил Орзўйи жоҳу давлат, эй кўнгул.

Қил ҳазар хуссодин то етмағай Молингу жонингга офат, эй кўнгул.

Ким ҳасад ўти жаҳонни ёқғуси, Бермайн бир лаҳза фурсат, эй кўнгул.

Билакўр бу кун жамолинг гули вақтини ганимат — Ки, чаманда икки-уч кун топо олмоғой бақо гул.

Карам айлаб, эй юзи гул, йироқ ўлма Огаҳийдин — Ки, тикандин ўлмас асло бу чаман аро жудо гул.

На булбул аҳволидур паришон хазону офат гамида ёлғуз, Эрур бу бўстон аро ҳамиша ҳам ушбу кулфатга мубтало гул.

Чу ҳар кишига амалга лойиқ жазо кунда етар муқофот, Бас, айламак жавр ила жафолар шикаста булбулғадул гул.

Гар Огаҳийга ҳамул юзи гул даме вафо қилмас эрса, тонг йўқ — Ки, айламиш булбули ҳазинга бу гулшан ичра қачон вафо гул.

Ганимат бир-бирининг суҳбатин тутмоқ муносибдур — Ки, не гул қолғуси бу бог аро, не булбул, эй булбул.

Хамуш ўлким, бу сахро қушлари олида хушроқдур Навойи дилқушойингдин садойи чулчул, эй булбул.

Тут ганимат, муфт қўлдин берма ишрат фурсатин — Ким, вафо қилмас даме бу умри нофержом, кел.

Истасанг мутеъ ўлмоқ гар санга жаҳон аҳли, Хулқи хуш била дойим хайр ила саховат қил.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текириш институти ва клиникаси жамоаси шаҳар 1-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори Бахтиёр Асадуллаевин Қодировнинг онаси, хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Асолат Азизовна ҚОДИРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаб ва уюшмаси дая-гинекология кафедраси мудири лавозимда узок йиллар фаолият кўрсатган профессор Асолат Азизовна ҚОДИРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-706

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3200 нусхад босилди. Қўғоз бичими А-2

Топширилган вақти: 13.50